

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

*Қўл ёзма ҳуқуқида*

УДК: 621.924.5

**АБДУНАЗАРОВ ЭЛЬБЕК ЭЛЬМУРОДОВИЧ**

**Токарлик ишлов бериш аниқлигини кесиш жараёнини  
автоматик бошқариш тизими ёрдамида ошириш**

**5А 320201 – Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари  
(машинасозликда)**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

Илмий раҳбар:

доц. т.ф.н Х.У. Акбаров

**АНДИЖОН – 2015**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

Факультет: *Технология*

Магистратура талабаси: *Абдуназаров Эльбек  
Эльмуродович*

Кафедра: *“Машинасозлик  
технологияси ”*

Илмий раҳбар: *доц. Х.У. Акбаров*

Ўқув йили: *2014-2015*

Мутахассислик: *5A320201-“Машинасозлик  
технологияси ва жиозлари ”*

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ**

**Мавзунинг долзарблиги:** Деталларни тайёрлашдаги аниқликни ошириш муаммоси ечимига, келажакда РДБ замонавий дастгоҳларда ишлов бериш жараёнларининг самарадорлигини ошириш боғлиқлиги сабаб, ҳозирги вақтда бу муаммо долзарб бўлиб қелмоқда.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари:** Мосланувчан ишлаб чиқариш тизимлари шароитларида токарлик ишлов бериш аниқлигини автоматик тизимлар қўллаш ёрдамида ошириш, ишлов бериш аниқлигини 6-7 квалитетлар доирасида ишончли таъминлаш.

**Тадқиқот объекти ва предмети:** Тадқиқот объекти бўлиб РДБ токарлик дастгоҳи хизмат қилади, унда ишлов бериш технологик жараёни аниқлиги тадқиқот қилинган.

**Тадқиқот услубияти ва услублари:** Назарий тадқиқотлар машинасозлик технологияси, кесиш назарияси, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, назарий механика, эластиклик назарияси фанларига

асосланган ҳолда амалга оширилган. Экспериментал тадқиқотлар РДБ токарлик дастгоҳида ўлчов бирликлари, экспериментни режалаштириш усуллари ёрдамида бажарилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилик даражаси:**

- Токарлик дастгоҳлари учун ишлов беришнинг аниқлигини автоматик бошқариш икки контурли тизими яратилган.

- Кесиш жараёни ҳолати ҳақида маълумот олиш учун бевосита дастгоҳнинг деталлари олинган.

- Токарлик ишлов беришнинг математик модели тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:** РДБ токарлик дастгоҳларини яратилган ИБААБТ (САУТО) билан таъминлаш кесувчи асбобларни созлашга кетадиган вақтни бир неча марта қисқартиради, ишлов бериш аниқлигини тасодифий ва систематик хатоликларини компенсациялаш йўли билан оширади.

**Иш тузилиши ва тартиби:** Диссертация кириш, 3 та боб, хулосадан ташкил топган. Диссертация 87 бетдан иборат бўлиб, ўз ичига 9 та расм, 5 та жадвал, 81 номли адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

**Бажарилган ишнинг асосий натижалари:**

1. РДБ металл кесувчи дастгоҳларда ишлов бериш аниқлигини таҳлил қилиш натижасида автоматлашган ишлаб чиқариш шароитларида ишлов бериш аниқлигини кўтаришнинг самарали йўли дастгоҳларни ИБААБТ лар билан таъминлаш деб топилди.

2. Ишлов бериш жараёнида ҳосил бўладиган хатоликлар структураси таҳлил қилинди.

3. РДБ токарлик дастгоҳларининг ишлаш шароитлари ўрганиб чиқилди.

4. Экспериментал тадқиқотлар натижасида токарлик ишлов беришнинг ва хатоликларининг математик моделлари тузилди.

5. Токарлик ишлов бериш аниқлигини автоматик бошқариш тизими яратилди.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси:** РДБ токарлик дастгоҳларида ишлов бериш аниқлигини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида РДБ токарлик дастгоҳлари учун икки контурли ИБААБТ (САУТО) яратилди. Автоматик тизим барча турдаги РДБ қурилмалари билан жиҳозланган токарлик дастгоҳларида қўлланилиши кўзда тутилиб, тизим билан жиҳозланган РДБ токарлик дастгоҳи 6 – 7 квалитетлар доирасида ишлов бериш аниқлигини ишончли таъминлайди.

Илмий раҳбар: доц. т.ф.н. Х.У. Акбаров

\_\_\_\_\_

(имзо)

Магистратура талабаси: Э.Э. Абдуназаров

\_\_\_\_\_

(имзо)

HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION OF  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
ANDIJAN MECHANEBUILDING INSTITUTE

Faculty: *Technology*

The student of master degree: *Abdunazarov*

Department: “ *Machine building technology* ”

*Elbek Elmurodovich*

Scientific adviser: *X.U. Akbarov*

Academic year: *2014-2015*

Specialty: *5A320201 - “Machine building technology”*

### ANNOTATION

**Relevance of a subject:** Preparation of precision parts to the solution of the problem in the future lead to dependence on the CNC improve the processing efficiency of the processes of modern equipment, still suffer from the current time. Now days, it is very important this problems.

**The purpose of the work and functions:** Flexible production systems to improve conditions through the use of automatic lathes, machining accuracy of the systems, ensuring reliable processing accuracy within 6-7 kvalitets.

**The subject and facilities scientific research:** Research facilities will serve as CNC machine, the processing accuracy of the process of technological research.

**The methods and techniques of scientific research:** Theoretical tadqiqotlar mashinasozlik technology, cutting theory, the theory of probability and mathematical statistics and theoretical mechanics, theory of elasticity carried out according to the disciplines. Experimental research CNC of measurement, an experiment performed using the methods of planning.

**The novelty of scientific research:**

- Engineering machines for the accuracy of the automatic two-contour processing system.

- Information on the position of the cutting process directly to the counter for details.

- Turner created a mathematical model of processing.

**The practical significance of the results of the applied research:** CNC machines are created with the system cutting tools reduces the time needed to set up a few times to ensure the accuracy of processing with the random and systematic way to compensate for mistakes.

**Structure and procedure of scientific work:** Dissertation consist of 3 chapter. Dissertation contains 87 pages, 9 illustrations, 5 tables, 81 includes a list of publications.

**The main results of being finished work:**

1. CNC as a result of the analysis of metal-cutting machine tools, machining accuracy of increasing the accuracy of the automated manufacturing process conditions was found to be an effective way to provide tools ACSDA.

2. In the process, of the formation of structure analysis was an error.

3. CNC machines performance conditions have studied.

4. The results of experimental studies made a mistake on the lathe processing and mathematical models.

5. Turner processing accuracy of the automatic control system.

6. Two automatic contour cutting forces created a stable measuring instruments for the outlines of the design of the system.

**Conclusions and Recommendations to generalized expression:** CNC machines working on the study of the accuracy of the tests on the basis of CNC machines, two contoured ACSDA was created. The system will automatically be applied to all kinds of devices equipped with lathe machines CNC equipped with the system provided for 6 - 7 kvaliteten part of the process ensures reliable accuracy.

Scientific adviser: X.U. Akbarov

\_\_\_\_\_  
(Sign)

Student of master's degree: E.E. Abdunazarov

\_\_\_\_\_  
(Sign)

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	8
I БОБ. РДБ МЕТАЛЛ КЕСУВЧИ ДАСТГОҲЛАРДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АНИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ УСУЛЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТЛАРИ .....	10
1.1 Механик ишлов беришнинг аниқлигини ошириш йўллари таҳлили .....	10
1.2 Токарлик ишлов бериш учун ИБААБТ (САУТО) ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати .....	12
1.3 РДБ токарлик дастгоҳлари ёрдамида ишлов бериш хатоликлари структурасининг таҳлили .....	19
1.4 Ечиладиган масалалар .....	23
2.1 РДБ юқори аниқликдаги токарлик дастгоҳларини эксплуатация шароитларининг таҳлили .....	26
2.2 Токарлик ишлов бериш жараёнининг математик моделини тузиш .....	30
2.3 Ишлов бериш хатоликларининг математик моделининг тузиш .....	51
2.4 Бўлим хулосалари .....	57
III. БОБ. РДБ ТОКАРЛИК ДАСТГОҲИ УЧУН ИШЛОВ БЕРИШ АНИҚЛИГИНИ АВТОМАТИК БОШҚАРИШ ТИЗИМИ.....	59
3.1 Маълумот олиш манбаси.....	59
3.2 Ишлов бериш аниқлигини автоматик бошқариш тизимининг синтези ....	65
3.3 ИБААБТ (САУТО) билан таъминлан РДБ токарлик дастгоҳларида ишлов бериш аниқлигини тажрибавий ўрганиш .....	72
3.4 Бўлим хулосалари .....	78
ХУЛОСА .....	79
АДАБИЁТЛАР.....	80

## КИРИШ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг асосий мақсади илмий-техник жараёни тезлаштириш, ривожланишдаги жадаллик йўлига ўтиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп хом-ашё ва материаллар ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ўзбекистон машинасозлик саноатининг жадал суратдаги ижтимоий-иқтисодий ўсиши мавжуд технологик жараёнларда энергия ва ресурсларни тежаш режаларини такомиллаштириш ёки янги режалар, юқори физикавий механик ва фойдаланиш хоссаларига эга бўлган маълум аниқлик даражаси юқори бўлган материалларни физикавий кимёвий услублардан ишлаб чиқариш ёки мавжуд ишлаб чиқариш услубларини такомиллаштиришни белгилаб беради.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари” асарида ташкилотлар техник ва технологик базасини қуроллантириш ва такомиллаштириш босқичларини тезлаштириш бўйича кўрсатмалар бериб ўтган.

Республикамизда иқтисодиётида бугунки кунда жамиятнинг юксалтириш ва ишлаб чиқаришнинг юксалтиришга катта эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов бошчилигида ишлаб чиқиладиган бир қатор қонун ва қарорларда аввало, ишлаб чиқаришни муҳофаза қилиш ва муҳофазалашга қаратилган. Шу асосида мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири - халқ хўжалигини юксалтириш, фан ва техника тараққиётини дунё миқёсига олиб чиқишдан иборат. Маълумки, республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий йўналишларидан бири - бу машинасозлик саноати ишлаб чиқаришини янги фан ва технологияларга асосланган ҳолда ташкил этишдан иборатдир.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига янги техникани етказиб берадиган машинасозлик мамлакатнинг техник жиҳатдан ривожланишини белгилайди ва янги мустақил республикамизнинг моддий

базасини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун Республикамизда машинасозликни ривожлантиришга ҳар доим ҳам биринчи даражали аҳамият берилган ва берилмоқда.

Машинасозликда юқори унумдорли, автоматлаштирилган ва юқори аниқликга эга бўлган такомиллашган янги машиналарни фаннинг энг янги ютуқлари асосида узлуксиз равишда яратиш юқори малакали чуқур билимга эга бўлган, янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясини мукамал биладиган мутахассисларни тайёрлашни талаб қилади.

Техникавий тараққиёт ривожланган сари такомиллаштирилган, юқори аниқликга эга бўлган машиналарни ишлаб чиқариш ҳамда улардан самарали фойдаланиш учун чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашни вақт тақозо этмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда автомобилсозлик, тракторсозлик, кўймакорлик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлов беришкорхоналари, ихтисослаштирилган конструкторлик бюрolari ва жуда кўп илмий-тадқиқот институтлари янги машина ва механизмларни яратиш борасида унумли фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Ушбу саноат соҳаларида машина деталларни тайёрлашдаги аниқликни ошириш муаммоси ечимига, келажакда РДБ замонавий дастгоҳларда ишлов бериш жараёнларининг самарадорлигини ошириш боғлиқлиги сабаб, ҳозирги вақтда бу муаммо долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация иши автоматлаштирилган ишлаб чиқариш шароитларида токарлик ишлов бериш аниқлигини 6 – 7 квалитетлар доирасида ишончли таъминлаш мақсадида РДБ токарлик дастгоҳлари учун ишлов бериш ИБААБТ - аниқлигини автоматик бошқариш тизимни яратишга бағишланган.

# **I БОБ. РДБ МЕТАЛЛ КЕСУВЧИ ДАСТГОҲЛАРДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АНИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ УСУЛЛАРНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТЛАРИ**

## **1.1 Механик ишлов беришнинг аниқлигини ошириш йўллари таҳлили**

Деталларни тайёрлашдаги аниқликни ошириш муаммоси ечимига, келажакда РДБ замонавий дастгоҳларда ишлов бериш жараёнларининг самарадорлигини ошириш боғлиқлиги сабаб, ҳозирги вақтда бу муаммо долзарб бўлиб қолмоқда.

Ушбу муммони ҳал этишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Биринчиси; технологик системаларнинг бикрлигини ошириш ва узелларни, деталларни, бошқариш системаларини ва автоматлаштирилган ўтказувчиларни тайёрлашдаги аниқликни кўпайтиришдир. Бунда ишланадиган заготовккага боғлиқ бўлган асбобнинг ҳолати ва силжиши хатоликлари камаяди /4,5,6/, ишлов беришнинг аниқлигига олиб келадиган омилларга таъсир кўрсатувчи технологик тизимларнинг қаршилиги ортади. Кўриниб турибдики, бундай йўл билан технологик омилларнинг таъсирларини назарий равишда зарарсизлантириш имкони мавжуд эмас. ишлов беришнинг юқори аниқликда бўлиши, дастгоҳнинг тайёрланишидаги таннарх ва меҳнатга бўлган талабнинг юқорилашига олиб келувчи, дастгоҳ аниқлиги ва хатолигини оширувчи фавқулоддаги ўлчовларни талаб қилади /4/.

Лекин бу ўлчовлар юқори аниқликка эришишга кафолат бера олмайди. Улар ишлов бериш аниқлигини оширувчи иккинчи йўналишга боғлиқ бўлган чоралар билан тўлдирилиши керак.

Иккинчи йўл; шундай технологик режимлар ва ишлов бериш жараёни протекания шартларининг танловларига асосланган. Қайсики, улар берилган

аниқликни таъминлайди, ўзи билан аниқликка берилган талабни ҳисобга олган ҳолдаги механик ишлов беришнинг технологик жараёнларини лойиҳаланишини намойиш қилади.

Ишлов беришнинг берилган аниқлигини кафолатловчи ва бир вақтнинг ўзида талаб қилинган ишлаб чиқариш салоҳиятини таъминловчи режимлар танлови учун ишлов беришнинг аниқлик ўлчами бирликларини аниқловчи омилларни баҳолаш лозим. Бу баҳолар бўлажак ишлов бериш жараёнларига таълуқли бўлади ва бундан келиб чиқиб, технологик жараённинг эффектлилиги прогнознинг аниқлигига боғлиқ бўлади.

Технологик жараёнларни лойиҳалашда, заготовклар, асбоблар ва дастгоҳнинг паспорт маълумотларининг ўрталанган (ўртача олинган) характеристикалари ҳақидаги маълумотларга асосланганлиги сабабли, прогнозлашнинг юқори даражадаги аниқ бўлишига (аниқлигига) тўлиқ эришиш мумкин эмас. Аниқ шартларда технологик омилларнинг аниқ белгилари ўртачалардан фарқ қилади, бундан ташқари боғлиқликлар ишлов бериш жараёнида ўзгариши мумкин. Буларнинг барчаси прогнозлашнинг мавжуд хатоликларини ва ҳисобланган ўлчамлардан ҳақиқий эффективлик кўрсаткичларининг фарқларини шартлантиради.

Шунинг учун, юқорида кўриб чиқилган йўллар билан бир қаторда яна бир, ишлов беришнинг автоматлаштирилган бошқарув системаси (ИБААБТ (САУТО) ) ни қўллаш билан боғлиқ бўлган йўналишдан фойдаланилади. Бу йўналиш ишлов беришнинг аниқлигини ошришнинг биринчи йўли билан солиштирилганда, ИБААБТ (САУТО) ни қўллаш кўпроқ афзалликларга эга эканлиги аниқ бўлади. Бу афзаллик, уларнинг ишлов бериш аниқлигида туғиладиган омилларнинг таъсирланишини таъминлайдиган қобилиятларига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга, технологик системага омиллар (ИБААБТ (САУТО) ҳисобга олинган компенсациялар) га боғлиқлик бўйича мустақиллик хоссалари лозим бўлади /6/.

Шундай қилиб, ИБААБТ (САУТО) аниқликни ошириш вазифаларини ҳал этиш бўйича ананавий усуллардан бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади. Айтиб ўтилган ИБААБТ (САУТО) афзалликлари автоматлаштирилган ишлаб чиқариш шартларидаги РДБ дастгоҳларда механик ишлов беришнинг аниқлигини ва эффективлигини ошириш вазифаларини бажаришда уларни бебаҳо (алмаштириб бўлмас) қилиб қўяди.

## **1.2 Токарлик ишлов бериш учун ИБААБТ (САУТО) ишлаб чиқишнинг замонавий ҳолати**

Ҳозирги вақтда ишлов бериш аниқлигини автоматик бошқарувининг кенг қулоч очиш ишлари кўп миқдордаги структуралари ва фойдаланиш мақсадлари ҳар хил бўлган тизимларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

ИБААБТ (САУТО) бўйича адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўрнатилган классификациялар мавжуд эмас /11.12.9.10.20.13.19/. Механик ишлов бериш бошқарув тизимлари адабиётида “мувофиқ системалар” бирикмаси мустахкамланиб қолди. Техник кибернетика адабиётида мувофиқ деб системаларни аташади. Механик ишлов беришни бошқариш учун қўлланиладиган системалар кўпинча кўрсатилган хоссаларга эга бўлмайди, “мувофиқ системалар” терминининг қўлланилиши бундай тизимлар билан таъминланадиган дастгоҳлар механик ишлов беришнинг ўзгарувчан шартларига мослашиши билан ҳимоя қилинади.

/11,12/ да бошқарув системалари учун АБТ (САУ) (адаптив бошқариш тизими) аббревиатураси қабул қилинган ва унга гуруҳга бўлинган; кесиш жараёнларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошишини таъминловчи системалар, аниқликни ошишини таъминловчи, ёки детал сифатини характерлайдиган бошқа параметрларни яхшиловчи системалар, кесиш

жараёнидан ташқари бўлган барча операцияларнинг такомиллашишини таъминловчи системалар.


/18/ да мувофиқ бошқарув системаларини қўйидаги характерли белгилари бўйича классификация қилиш таклиф қилинади: система структураси бўйича; белгиланган мақсадига қараб; бошқарув усули бўйича; бошқариш параметри бўйича; бошқарув таъсири бўйича.

/9,10/ да классификация системаларнинг типини, тезлигини ва белгиланган мақсадини ҳисобга олади, ИБААБТ (САУТО) абревиатураси қабул қилинади.

/13,20/ АСУ металлга ишлов бериш жараёнлари қўйидаги белгиларига кўра классификацияланган: система структураси бўйича; бошқарув алгоритмлари бўйича; ишлов бериш алгоритмлари бўйича; мослашиш қобилиятлари бўйича; алоқа кўриниши бўйича; бошқариладиган параметрлар сони бўйича.

/19/ нинг муаллифлари кириш-чиқиш маълумотларини ва ташқи таъсирларга гирифтор бўлган таъсирларни характерлайдиган технологик системаларни автоматик сифатида кўриб чиқишни таклиф этади. Бундай ёндашувда механик ишлов беришнинг аниқлигини ошириш йўлларига яққол кўз югуртирилади: 1) технологик системаларнинг кириш маълумотларига ва характеристикаларига таъсир; 2) кучайиб кетадиган таъсирлар бўйича тартибга солиш; 3) чиқиш параметрларининг оғиши бўйича тартибга солиш.

Кўриб чиқилган механик ишлов беришнинг бошқарув системалари классификацияси схемаларини умумлаштириш ва ундан келиб чиқадиган баённи тартиблаш мақсадида бўлиши мумкин бўлган ИБААБТ (САУТО) классификацияси схемаларидан бирини кўриб чиқамиз.



Расм.1.1 ИБААБТ (САУТО) нинг классификацияси

Назорат чегараларининг автоматик системаси (АСПК – автоматическая система предельного контроля) кесиш жараёнлари бўйича мажхул (номаълум) ҳисобланади. Уларда қачонки ўлчанувчи параметр берилган даражага етгандагина буйруқ берилади ҳолос. Бу системалар умумлаштирилган чиқиш координаталарининг берилган моҳияти ҳолатида бошқа жойга кўчишини таъминлайди, лекин ушбу кўчишнинг траекторияларини бошқармайди. Бошқариладиган таъсирлар, параметрлар, ишнинг структураси ва алгоритми бутун ишлов бериш жараёнида ўзгармас бўлади.

Тартибга солишнинг автоматик тизимлари (АСР – автоматическая система регулирования) ҳам мажхулдир, берилган /13,20/ билан текшириладиган ўлчамдаги аниқ белгини тинимсиз солиштириш натижасида, уларда бошқарув таъсири ишлаб чиқилади. АСР бош таъсир характеридан келиб чиқиб қуйидагиларга бўлинади: 1) барқарорликнинг автоматик системалари (АССл – автоматическая система следающая), 2) кузатувнинг автоматик системалари (АСС) 3) Дастурий таъминотнинг автоматик системалари (АСПР – автоматическая система программного регулирования).

Реал шартлардан келиб чиқиб автоматик тарзда ўзгарадиган ИБААБТ (САУТО) , бошқарувчи таъсирлар, параметрлар, ишнинг структуралари ва алгоритмлари мувофиқ системалар деб аталади (АдСУ - адаптивная система управления) /20/. АдСУ бошқарув таъсирлари ёки параметрлари ўзгарадиган ўзи созланадиган (СНС – самонастраивающаяся система) ва ишнинг алгоритми ёки структураси ўзгарадиган ўзи мослашадиган (СПС – самоприспосабливающаяся система) турларга бўлинади. СНС ва СПС лар ўз навбатида қидирувли (ПС – поисковая система) ва қидирувсизларга (БПС - беспойсковая система) бўлинади.

ИБААБТ (САУТО) созлаш даражасининг дискрет бошқаруви билан детал ўлчамини бошқариш мақсадида қўлланилади. Одатда улардан тез ҳаракат қилиш талаб қилинмайди. Бундай турли системаларда тузатиловчи

/10/ цикл бошланишига қадар олинадиган маълумотлар асосида бошқарувчи импульслар ишлаб чиқилади.

Созлаш даражасини узулуксиз-дискрет бошқариш шундай ҳолларда қўлланиладики, қачонки, детал аниқлигига бўлган талаб унинг ўлчамини ҳам, формасини ҳам мувофиқлашишига мажбур қилса. Бундай системаларга намуна қилиб /9,10/ ларнинг комбинацияланган бошқарувини амалга оширувчи ИБААБТ (САУТО) хизмат қилиши мумкин. ИБААБТ (САУТО) даги узулуксиз бошқарув асбобнинг ҳолатига ва ишлов бериш режимларига муносабатда бўлиши мумкин. ишлов бериш режимларини бошқариш, одатда /9,11,12,13/ ларнинг аниқлигига таъсир қилувчи омилларни барқарор қилиш учун қўлланилади.

АСУ /20/ бир ва кўп параметрли бўлиши мумкин. /20,21/ технологик системаларнинг ўзгармас ва ўзгарувчан характеристикалари, шпинделда айланиш ва узатиш частоталари, маҳсулот ёки асбобнинг ҳолати бўйича қўйилган ва мустақил бошқарув шакллари бўлиши мумкин. /15,16,19,27,28,29/ ларда кўриб чиқилган системалар, чиқиш параметрлари қаршилиги бўйича узулуксиз бошқарув барқарорлигининг бир контурли системасининг намунаси бўла олади. Ушбу системалар билан таъминлаш аниқлиги 7-квалитетгача бўлган ўртача дастгоҳларда ишлов бериш унумдорлиги ва аниқлигини сезиларли оширади, 0.020-0.025 гача бўлган яримтайёр маҳсулотларнинг ишлов беришдаги форма хатоликларини камайтиради.

Ушбу типдаги системаларнинг кенг кўламда ишлатилиши ўлчов жиҳозларини тайёрлашдаги, ишланаётган юзадаги ғадир- будирликларга, яримтайёр маҳсулотнинг сезиларли тезлигига, асбобларни қириндилардан ҳимоя қилишга сабаб бўладиган қийинчиликларни олдини олади. АСПР ўзида бошқарувчи таъсирнинг маълум қонуни билан кесиш жараёнларининг ёпиқ системаларини намойиш қилади. У асбобнинг иқтисодиий қаршилигини таъминлаш учун, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун, кесиш тезлигини тартибга солиш йўли билан ишлов бериш таннархини тушириш

учун, кесиш тезлигини тартибга солиш йўли билан яримтайёр маҳсулотнинг формасини аниқлигини ошириш учун, асбобнинг ёки яримтайёр маҳсулотнинг ҳолатини тартибга солиш йўли билан яримтайёр маҳсулот ёки асбобнинг ҳаракатига тегишли бўлган траекториясини узулуксиз узатиб туриш учун, технологик системаларнинг ўзгарувчан ва ўзгармас характеристикасини тартибга солиш орқали ишлов бериш аниқлигини ошириш йўли учун фойдаланилади. Қоида бўйича АСПР, оптимал бошқариш системаси ҳисобланади. Оптимал бошқарув системаси сифатида, белгиланган чегаралардаги бошқарувнинг эффективлигини характерлайдиган аниқ бир критериянинг яхшироқ бўлган аҳамияти билан таъминлайдиган система тушунилади. Металлга ишлов беришнинг оптимал критерияси сифатида турли хил бўлган техник ва техник иқтисодий кўрсаткичлар олиниши мумкин: ишлаб чиқариш салоҳияти, ишлов бериш таннархи ва бошқалар. Шунга ўхшаш системалар /11,12,13,14,20,30,31,32,33,34,35/ ларда кўриб чиқилган.

АДСУ кўпроқ мукамал бўлган ахборот структураси билан таърифланади ва кенг технологик имкониятларга эга. Уларни тузиш учун кесиш жараёнлари ва ўлчанаётган параметрларнинг тебраниш диапазонлари ҳақида бир қанча маълумотлар керак бўлади. Ушбу маълумотлар ҳажми қидирувли системалар учун кўпроқ, қидирувсиз системалар учун озроқдир. Лекин, иккала ҳолат ҳам АСПР га нисбатан оздир.

Кўриб чиқилган АСУ лар чамбарчас боғлангандир. Бу нарса айниқса, уларда назорат қилинувчи параметрлари бир хил бўлганда кўпроқ намоён бўлади. Масалан, агар назорат қилинувчи параметр кесиш қуввати бўлса, у ҳолда, параметрларни чеклаш системасида асбобнинг бузилишини олдини олувчи масалалар ҳал этилиш мумкин. Кесиш қувватини ўлчовчи датчиги ўрнатилган, кесиш тезлиги ва узатиш бирлиги регулятори билан таъминланган жиҳоз ўзида барқарорликнинг ёпиқ системасини намоён қилади. Бундай жиҳознинг ёки асбобнинг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланишда асбобни бузилишини олдини олиши, ишлов беришнинг

самарадорлигини ошириши, айрим ҳолларда юзанинг яхшироқ сифатга эга бўлиши таъминланади. Агар қувватнинг сигнал датчиги оптималлик критерияси учун фойдаланилаётган ва жиҳоз ўзини созлаш контури билан таъминланган, металлни ишлов бериш жараёни ўзини-ўзи мослаштириш, бошқариш системасидан фойдаланилган бўлса, унда металлга ишлов бериш жараёни сифатининг энг яхши кўрсаткичларига эга бўлган ҳолда ўтади.

Металлларга ишлов бериш барча бошқарув системаларининг энг муҳим элементлари бўлиб, ўлчов асбоблари ҳисобланади. Улар ишининг аниқлигига, ишончлилигига барча ИБААБТ (САУТО) ларнинг иш сифати боғлиқдир. Юқорида кўриб чиқилган механик ишлов беришнинг бошқарув системалари оммавий ишлаб чиқариш жиҳозларига тегишлидир. Оммавий ишлаб чиқариладиган РДБ жиҳозларда бу тажрибани қўллаш, биринчи навбатда, ишонарли универсал ўлчовчи жиҳозларни ишлаб чиқаришдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш билан боғлиқдир.

Лекин, ўлчашларни амалга ошириш, ҳали ишлов бериш аниқлигини автоматик бошқариш вазифаларини ҳал қила олади дегани эмас. Бу вазифанинг фойдалилиги бошқарув вариантининг тўғри танловини аниқлаш билан аниқланади. ИБААБТ (САУТО) нинг у ёки бу турини асосий танлови жиҳознинг аниқ фойдаланиш шартлари учун ишлов бериш аниқлигини ўрганиш натижалари таҳлили ҳисобланади.

Ишлов бериш аниқлиги таҳлилида систематик ва тасодифий ташкил этувчилар ўртасидаги муносабатни аниқлаш мақсадидаги ўлчамнинг хатолиги ва структураси аниқланади. Аниқлик кўрсаткичлари адабиётлар таҳлили /5,7,9,10,57,48,18,36,37,38,39,40,41/ да кўриб чиқилган. Ҳар бир ўлчамни ташкил этувчи хатоликларнинг ўлчамига қараб бошқарув принци танланади. Шу ерда, РДБ токарлик дастгоҳларида ишлов беришнинг хатолигини алоҳида кўриб чиқиш зарурияти туғилади.

### 1.3 РДБ токарлик дастгоҳлари ёрдамида ишлов бериш хатоликлари структурасининг таҳлили

Ишлов бериш жараёнида ҳосил бўладиган хатоликлар берилган шартлардан у ёки бу қаршилиқлар билан шартланади. Шунинг учун, металл кесувчи дастгоҳлардаги, бундан ташқари РДБ дастгоҳлардаги ишлов беришни берилган аниқликдаги юқори салоҳиятли бўлишини таъминлаш хатоликларнинг таҳлили зарурияти билан боғланган.

РДБ ва бошқа оддий бошқарувга эга бўлган дастгоҳларда аниқлик балансининг тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$\Delta = \Delta_p + \Delta_\phi + \Delta_{сист} \quad (1.1)$$

Бу ерда:  $\Delta_p$  - хатоликларнинг жами майдони,  $\Delta_\phi$  – ўлчамларнинг ёйилиш майдони,  $\Delta_{сист}$  – систематик хатоликлар.


РДБ дастгоҳларнинг созлаш услублари ва дастурни тузатиш, (1.1) тенглигига кирувчи хатоликларнинг таркиби хусусиятига ҳам, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳалари /7,32,43,44,45,46,47,48,49/ даги ўлчамларидаги мувофиқликлари хусусиятига ҳам таъсир кўрсатади.

1.2 - расмда деталларнинг бир қисмига РДБ /7/ дастгоҳда ишлов беришнинг хатоликларини жами майдонини ташкил топишининг схемаси келтирилган.

РДБ дастгоҳларида ишлов бериш ўлчамларининг тарқоқлик майдони

$$\Delta_p = k \cdot \sqrt{\varepsilon_{уст}^2 + \Delta_{р.наст}^2 + \Delta_{р.чпу}^2 + \Delta_{р.у}^2} \quad (1.2)$$

бўлиб қолади.



Расм.1.2. РДБ дастгоҳларида ишлов бериш аниқлигининг йиғиндиси

Бу ерда:

$\delta_{уст}$  – курилманинг хатоликлар майдони,

$\Delta_{р.наст}$  – созламанинг хатоликлар майдони,

$\Delta_{р.чпу}$  – РДБ системаларнинг хатоликлар майдони,

$\Delta_{р.у}$  – эластик деформациялар таъсирида ўлчамларнинг ёйилиш майдони.

Курилманинг хатолигини пасайтириш учун унинг ташкил этувчиларини қисқартириш бўйича тадбирлар ўтказиш лозим:  $\epsilon_{\delta}$  - ни асослайдиган хатолиги, конструкторлик ва базаларнинг бир-бирига мос тушмаслигидан  $\epsilon_{\pi}$  - келиб чиқади,  $\epsilon_3$  - маҳкам ўрнатишнинг хатолиги, аниқланувчи маҳкам ўрнатишни кучайтиришдаги тебранишлар ва яримтайёр маҳсулотнинг юза сифати билан; мосламанинг хатолиги, унинг тайёрланиш ва ўрнатилиш хатолиги билан боғлиқ.

$\Delta_{р.настр}$  - мосламанинг хатолиги устун даражалар сирасига киради. Кўпгина РДБ токарлик дастгоҳлари учун кесувчи асбоблар дастлаб асбоблар блокларнинг ташқарисига, сўнгра нол нуқтани ўрнатувчи иш органларига ўрнатилади.

Бундай ҳолатда мосламанинг хатолиги;  $\Delta_{р.н.и}$  - блокадаги мосламанинг олдиндан ўрнатилган мосламаларидаги хатоликлар ҳошияси билан,  $\Delta_{р.н.б}$  - станогига блок ўрнатиш ва  $\Delta_{р.наст}$  - созламасидаги хатоликларни ўлчаш билан аниқланади. Созламанинг хатолигини пасайтириш учун икки босқичли созламаладан фойдаланилади. Созламаларнинг хатолигини пасайтириш, бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун ўлчовли созламаларни /11,12,25,26,51,52,53,54,55/ автоматик системасини қўллаш йўли билан амалга ошириш мумкин.

$\Delta_{p.чпу}$  - системасининг хатолиги ҳисобига пайдо бўлган ўлчам хатолиги  $\Delta_{p.п}$ - дастурнинг хатолиги билан боғланган ташкил этувчилардан сақланади. Улардан биринчисига  $\Delta_{p.в.поз}$ -дастурнинг хатолиги ва дастурнинг интерполяциалари киради. Иккинчисини дастгоҳ симининг қаршилиги, узатиш механизми ва позициялар ташкил этади. РДБ дастгоҳларининг хатоликларларидан шартланган ишлов бериш хатолигининг конструкциясини РДБ дастгоҳнинг бошқариш системасини, РДБ жиҳозининг дастурий таъминотини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш билан пасайтириш мумкин.

$\Delta_{\phi}$  - шакл хатоликларлари ва систематик хатоликлар, геометрик хатоликлар, технологик система элементларининг эластик ва иссиқлик деформацияларидан шартланади.

$\Delta_{\phi.г}$  - РДБ нинг геометрик ноаниқликлари хатоликлар формалари

$\Delta_{\phi.г.с}$  - дастгоҳларда йиғиладиган узеллар ва тайёрланадиган деталларнинг хатоликларлари ҳисобига келиб чиқади.

$\Delta_{\phi.т}$  - Технологик системаларнинг иссиқлик деформациялари ҳисобига пайдо бўладиган хатоликлар формалари  $\Delta_{\phi.т.с}$ ,  $\Delta_{\phi.т.и}$  ва  $\Delta_{\phi.т.з}$  элементларнинг иссиқлик деформацияси хатолигидан ҳам аниқланади.

Хатоликлар формаси таркибига,  $\Delta_{\phi.и.и}$  - асбобнинг ўлчамли ейилиши (ўзгариши) дан шартланган хатоликлар ҳам киради.

$\Delta_{сист}$  - ўлчамнинг систематик хатолигини қуйидаги хатоликлар аниқлайди:  $\Delta_{н.и.и}$  - асбобнинг ейилишидан келиб чиқадиган хатоликлар;  $\Delta_{н.т.с}$  - дастгоҳнинг ва  $\Delta_{н.т.и}$  - асбобнинг иссиқлик деформацияларидан шартланадиган хатоликлар.

Бу ҳолат ишлов беришнинг адабиёт таҳлилинини умумлаштиришни қийинлаштиради ва автоматик бўлган механик ишлов бериш бошқарув

системаси дастгоҳларини тайёрлаш бўйича қўйилган масалаларни ҳал этишда аниқлик таҳлилини ўтказишни мажбурий қилиб қўяди.

Шу билан бирга хатоликларлар структураси таҳлили асосида қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин: ишлов беришнинг аниқлигини ошириш учун қўйидагилар зарурдир:

1) Тахминий омилларнинг ўзини - ўзи қоплайдиган ҳаракатларидан келиб чиқадиган ейилиш майдони ўлчамини қисқартириш.

2) Систематик омилларнинг ҳаракатларидан келиб чиқадиган ейилиш майдони ўлчамини қисқартириш

### **1.4 Ечиладиган масалалар**

Металл кесувчи дастгоҳларда автоматик бошқарув системаларини ишлов бериш жараёнлари билан қўллаш эффективлиги кўп ҳолларда ушбу система ҳал қилиши учун қўйилган масаланинг қанчалик тўғри қўйилганлигига боғлиқ бўлади.

Агар технологик масаланинг ечими автоматик система ёрдамида ишлов бериш салоҳияти ва аниқлигига муҳим бўлмаган таъсир кўрсатса, ҳамда АС - автоматическая системани қўллаш эффекти маъносиз бўлса, у ҳолда технологик масала тўғри қўйилмаган деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, қачонки, геометрик форманинг хатолиги деталга ишлов беришни паст режимларга ўтказишга мажбур бўлганда, АС ёрдамидаги деталлар партиясининг ўлчами аниқлигини ошириш яхши эффект бермайди. Шу вақтнинг ўзида агар АС масаласи геометрик форманинг аниқлигини ошириш бўлганда эди, у ҳолда системани қўллаш эффекти сезиларли даражада бўлган бўлар эди. Шундай қилиб, адаптив бошқариш системасини лойиҳалашдан олдин технологик масалани тўғри қўллаш лозим бўлади.

Технологик масалаларни ишлаб чиқиш учун маълумот сифатида деталга ишлов бериш шартлари ва операциянинг охириги натижаси учун талаблар олинади. Уларга берилган аниқликлар, ишлов бериш таннарни ва салоҳияти,

жиҳоз ва унинг ҳолати, яримтайёр маҳсулотни тайёрлаш схемаси, кесувчи асбобнинг ва ишланадиган яримтайёр маҳсулотнинг тегишлилик қонуни, яримтайёр маҳсулот параметри ва унинг кирувчи маълумотлар тебраниши, кесиш кучига қаршилик кўрсатадиган турли хилдаги чекловлар ва бошқалар тегишли бўлади.

Ишлов бериш жараёни таҳлили технологик масалаларни ишлаб чиқишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда технологик масала миқдорли характеристикалар кўринишидаги тушунтиришлар кўринишигача бўлган ҳолатда бўлади.

ИБААБТ (САУТО) ни қўллаш билан ишлов бериш аниқлигини ошириш масаласини ечишдаги муҳим нарса бошқарув варианти танлови ҳисобланади. Агар бошқарув варианти нотўғри танланган бўлса, ҳатто идеал иш системасида бўлса ҳам технологик масала тўлиқ ҳал бўлмайди ва бунинг натижасида ИБААБТ (САУТО) ни қўллаш эффекти номутаносиб бўлиб қолади. Бошқарув системасини танлаш масаласининг энг яхши ечими учун ишлов бериш жараёнининг математик модели – ишлов беришнинг салоҳияти ва аниқлиги ўртасидаги алоқаларнинг, технологик системаларнинг, амалдаги факторларнинг /11,12,9,10,59,60/ ва кесиш режимларининг математик таърифлари керак бўлади.

Ишлов бериш жараёнини характерлайдиган маълумотлар олиш манбаси ва созловчи таъсирлар киритиш усули танлови технологик, қайсики автоматик системалар яратиш учун бўлган масалаларга боғлиқ бўлади. Маълумотлар учун кўпроқ талаблар, қачонки, АС ишлов беришнинг аниқлигини ошириш масаласини ҳал этаётган ҳолда қўйилади. Бунда, мураккаброғи динамик созлама ўлчами хатолигини аниқлаш ҳисобланади. Маълумот олиш манбаси унинг технологик системадаги жойлашув ҳолати олинадиган маълумот сифатига катта таъсир кўрсатади.

Шуни таъкидлаш жоизки, маълумот олиш манбасининг танлови тўғри бўлганда ҳам, агар бошқарув қонуни тасодифий танлови бўлганда САУТО ни қўллаш эффекти кутилган натижа бермаслиги мумкин. Бундан келиб

чиқиб, маълумотлар олиш манбаси ролида ўзгаришларни бўлишидаги физик ўлчамлар ва ўтаётган технологик жараёнга ўзгартиришлар киритишда фойдаланиладиган параметрлар ўртасида мураккаб бўлган ўзаро келишувлар мавжуд.

Шунинг учун ИБААБТ (САУТО) ни қўллаш орқали технологик масаланинг ечилиши, фақатгина яхшироқ ечимини, бошқарув вариантини ташкил этувчи учта ечимни бир вақтда кўриб чиқиш орқали топиш мумкин.

Бунда ИБААБТ (САУТО) ни амалга оширишдаги оддийликларни ҳисобга олиш, дастгоҳда мавжуд бўлган фойдаланиш имкониятлари унчалик муҳим бўлмайди.

Юқоридагиларга асосан, қуйидаги масалаларни, токарлик ишлов беришнинг аниқлигини оширишга эришиш учун ечим сифатида қайд этиш мумкин:

1) Тоза ишлов бериш учун мўлжалланган дастгоҳларнинг ишлаш шароитлари таҳлили. Токарлик тоза ишлов бериш жараёнининг математик моделини яратиш. Токарлик тоза ишлов беришнинг йиғинди хатолигининг структурасини тадқиқотлаш.

2) Токарлик тоза ишлов бериш аниқлигини автоматик бошқарув системасининг структураси ва ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

3) ИБААБТ (САУТО) билан таъминланган РДБ токарлик дастгоҳида тоза ишлов беришни тадқиқотлаш.

II БОБ. РДБ ЮҚОРИ АНИҚЛИКДАГИ ТОКАРЛИК ДАСТГОҲЛАРИДА ИШЛОВ БЕРИШ АНИҚЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА ИБААБТ (САУТО) ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАШ

### **2.1 РДБ юқори аниқликдаги токарлик дастгоҳларини эксплуатация шароитларининг таҳлили**

Бугунги кун машинасозликда ва асбобсозликда деталларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш аниқлигига қўйиладиган талаблар табора ошиб бораётганлиги сабабли ГПС га ўрнатилган РДБ прециоз дастгоҳлар қўлланилиши кўпаймоқда. Прециоз жиҳозлар номенклатурасини кўплигини ҳисобга олиб ТПК – 125 типдаги РДБ токарлик дастгоҳларини кўриб чиқиш билан чегараланиб қоламиз. ТПК - 125 В (21008 – 75 Давл.ст) дастгоҳ В аниқлик синфига мансуб бўлиб аниқ автоматик жараён бўйлаб турли, бир ёки бир неча резбали ариқчали айланма деталларда фаскалар, резба қисми ёки эгри чизикли юзаларга ишлов бериш учун мўлжалланган. Заготовкаларга ишлов бериш патронларда амалга оширилади. Ушбу дастгоҳларда суппорт устига ўрнатилаётган заготовка диаметри *200 мм* дан ошмаслиги керак. Ишлов беришда тавсия қилинган диаметр *125 мм* ни ташкил қилади.

Патронлардаги заготовкалар узунлиги *100 мм* дан ошмаслиги тавсия этилади. Кўриб чиқиладиган дастгоҳлар паспорт маълумотларига кўра, ишлов беришнинг диаметр аниқлигини *0.005 - 0.010 мм* атрофда, Ра юза нотеккислигини *0.32 мкм* ва *1.25 мкм*, кўндаланг кесимида шакл ноаниқлиги *0.0025 мм*, узунасига *0.0050 мм* дан ортмаган ҳолди таъминлайди. Юқори аниқликни қуйидаги омиллар таъминлайди:

1. Кўндаланг ва бўйлама суппортларнинг ҳаракатланиш аниқлиги.
2. Кесувчи асбобни автоматик алмашинувида револьвер каллакда жойлашиш аниқлиги.
3. Суппортларнинг юқори бикрлиги.
4. Шпинделнинг юқори бикрлиги.

5. Ички ва ташқи тебранишларнинг узатишига йўл қўймайдиган виброхимояловчи мослама ёрдамида статинани асосий узатмадан ажратилиши.

Дастгоҳлар ишлатилишининг шароитларини таҳлил қилиш вақтини етарлича муддатда бир хилда туриши билан ажралиб турган деталлар номенклатурасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Номенклатурани ўрганиш асосида ишлаб чиқариш унумдорлиги, ишлаб чиқариш тузилишини эгилувчанлиги ва қаттиқ созланувчанлиги аниқланиши мумкин. Шу вақтнинг ўзида уларни тайёрлашга кетган вақт сарфининг унумдорлик ва ишлаб чиқаришга таъсири, шунингдек асосий ва қўшимча вақтни қисқартиришга, (операцияларни) жараёнларни концентрантланишига, кесувчи кескичларни ва асбобларни параллел ишлатилишини, технологик ўтишларини кўриб чиқиш лозим.

Унинг кўрсаткичлари билан ТПК - 125 В типдаги дастгоҳларнинг технологик имкониятларини қаноатлантирадиган /43/ типдаги айланувчи жисмларга ўхшаш маҳсулотлар ҳақидаги статистик маълумотлар ушбу ишда муаллиф томонидан умумлаштирилади. Ушбу умумлаштириш натижасида кетма-кетликга амал қилинганлиги 2.1 (37,38,63,...) жадвалда кўриниши мумкин. Ушбу жадваллардаги маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин.

1. Токарлик дастгоҳларида кўриб чиқаётган турли типдаги деталларимизга ишлов бериш жараёнида, диаметр ўлчови *100 мм*, узунлик ўлчови *40 мм* атрофидаги деталлар кўпроқ учрайди.

2. Ишлов берилаётган поғонали деталлар ичида тор поғоналилари кўпроқ учрайди.

3. Деталлар ички цилиндрсимон юзага эга, айниқса (*60 мм* чамаси) ички айлананинг диаметри чамаси *60 мм* бўлган деталлар кўпроқ.

4. Ишлов берилаётган маҳсулотлар оғирлиги унча катта эмас ва аксарият ҳолларда *2-4 кг* ни ташкил этади.

